



100095, Toshkent sh., Olmazor tum., 2-Chimboy ko‘ch., 96
Telefon: (998-71) 246-01-95, Faks: (998-71) 246-10-81

100095, Tashkent, Olmazor district, 2-Chimbay street, 96
Phone: (998-71) 246-01-95, Fax: (998-71) 246-10-81

11.09. 2019 № 87-01-573

Шошилич!

**ОТМлари ректорлари,
филиаллар директорларига**

2019-2020 ўқув йили учун олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматлари ўрнатилди. Бунда, талабаларни ўқитишга сарфланадиган харажатларни қисман қоплашни назарда тутувчи ижтимоий ҳимояланган базавий тўлов-контракт миқдорлари белгиланди.

Шу билан бирга, талабаларга тўловларни амалга оширишда қулайлик яратиш, аҳолининг кенг қатлами учун олий таълимнинг ҳаммабоплигини таъминлаш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб, тўлов-контракт қиймати миқдорларини икки хил кўринишда – “стипендияли” ва “стипендиясиз” амалга ошириш имконияти яратилди.

Аҳолига тўловларни амалга оширишда енгиллик яратиш мақсадида контракт суммаларини ойма-ой бўлиб тўлаш имконияти берилди, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида стипендия тайинлаш бўйича бир қатор янгиликлар киритилди. Бироқ олий таълим муассасаларида етарли даражада тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги натижасида талабалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тўлов-контракт миқдорларини белгилаш ва талабаларга стипендия тайинлаш жараёнини тўлиқ англамаган ҳолда ва аниқ молиявий таҳлилларга асосланмаган фикрлар тарқатилмоқда.

Шу муносабат билан 12-13 сентябрь кунлари Сиздан шахсан ўзингиз бошчилигингиз ва иштирокингизда проректорлар, деканлар ва кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда етакчи талабаларни жалб қилган ҳолда талабалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этишингиз сўралади.

Мазкур тадбирларида вазирлик вакиллари иштирокида 2019 йил 10 сентябрь куни шу мавзуда ўтказилган матбуот анжумани, «Ўзбекистон-24» телеканали томонидан жорий йил 11 сентябрь куни намойиш этилган «Ислоҳотлар самараси» кўрсатуви материалларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Амалга оширилган ишларни расмий веб-сайт орқали ёритиш мақсадида вазирлик Ахборот хизматида ўрнатилган тартибда материаллар жорий йил 13 сентябрь соат 18-00 га қадар тақдим этилиши лозим.

Вазир



И.Маджидов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2019 йилда олий таълим муассасаларида тўлов-
контракт асосида ўқитиш қийматининг ўрнатилишига тааллуқли
Шарҳи**

2019 йилнинг 1 сентябридан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати миқдорларини янги ўқув йили учун ўрнатилиши бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги талабалар ва уларнинг ота-оналари эътиборига қуйидаги маълумотларни етказди.

Республикада олий таълим тизимида амалдаги тартибга мувофиқ, тест синовлари натижаларига кўра энг юқори баллар тўплаган талабалар давлат гранти бўйича бепул ўқийдилар. Ўз навбатида Давлат буюртмаси параметрлари доирасида контракт асосида “ўтиш” балларини тўплаб қабул қилинган талабалар эса, уларни ўқитишга сарфланадиган харажатларни қисман қоплашни назарда тутувчи ижтимоий ҳимояланган базавий тўлов-контракт шакли асосида ўқийдилар.

Шу билан бирга талабаларга тўловларни амалга оширишда қулайлик яратиш, аҳолининг кенг қатлами учун олий таълимнинг ҳаммабоплигини таъминлаш мақсадида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, тўлов-контракт қиймати миқдорлари икки хил кўринишда – “стипендияли” ва “стипендиясиз” этиб белгиланди.

Стипендиясиз қиймат миқдорлари, ҳар ойлик талабага тўланиши белгиланаётган 400 000 сўм, бир йилда жами **4 800 000 сўм**ни чегириб ташлаш ҳисобига шакллантирилади.

Мисол учун, бакалавриятнинг Гуманитар фанлар, Педагогика, Техника, Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари бўйича тўлов-контракт асосида таҳсил оладиган талабалар (жами талабаларнинг қарийб 80 фоизи) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, қуйидаги тартибда тўловларни амалга ошириши мумкин:

Стипендия билан – **10 792 960 сўм** (Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа нисбатан 17 баробарида);

Стипендиясиз – **5 992 960 сўм** (10 792 960 сўм - 4 800 000 сўм).

Бундан ташқари, аҳолига тўловларни амалга оширишда енгиллик яратиш мақсадида контракт суммаларини ойма-ой бўлиб тўлаш имконияти берилади ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари тўлов муддатларини узайтириш ваколатига эга бўлади.

Таълим йўналишлари кесимидаги тўлов-контракт қиймати миқдорлари билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг www.edu.uz сайтида танишиш мумкин.

Янги ўқув йилида тўлов-контракт қиймати миқдорини 18 фоизга оширилишида (индексация қилишда) асосий омил сифатида, олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари (ўтган ўқув йилида 3 маротаба), коммунал хизматлар тарифлар ва бошқа сақлаш харажатлари ошгани ҳолда, олий таълим муассасалари харажатларини даромадларига нисбатан 74 фоизга ўсганлиги инobatга олинди.

Шу билан бирга, ёшларни олий таълим билан қамров кўрсаткичи 2017/2018 ўқув йилидаги 9 фоиздан жорий ўқув йилида 20 фоизга ортганлиги ёки талабалар контингентининг 126 минг нафарга кўпайганлиги олий таълим муассасаларида ўқитувчилар ва ўқув бинолари қувватларини яратиш бўйича қўшимча эҳтиёжга олиб келади, бу эса ўз навбатида қўшимча харажатларни талаб этади.

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, 2019/2020 ўқув йилидан тўлов-контракт миқдорларининг ўртача 18 фоизга оширилиши - бир талабани бир йиллик ўқитиш харажатларини қисман, яъни ўртача 68 фоизи қопламоқда холос (бунда - харажатларни қопланиши ўтган йилги даражада сақлаб қолинмоқда).

Олий таълим муассасаларини Давлат томонидан қўллаб қувватлаш мақсадида бугунги кунга қадар фаолияти тугатилаётган касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг **77 251 ўринли** ўқув бинолари, **3 000 ўринли** талабалар турар жойлари қўшимча қувват сифатида олий таълим муассасаларига ўтказиб берилиб, қўшимча имконият яратилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув ва ижтимоий инфратузилмасини модернизация қилиш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва мебеллар билан жиҳозлаш, кутубхона фонддини тўлдириш ва бошқа харажатларнинг 90 фоизидан ошиғи давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқлаган олий таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш Дастури доирасида 2016-2018 йилларда республика олий таълим муассасаларининг **87 та** бино ва иншоотларида

қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари учун Давлат бюджетидан жами **749,4 млрд.сўм** маблағ йўналтирилган.

2019 йилда эса, мазкур мақсадлар учун Давлат бюджетидан **662,0 млрд.сўм** маблағ ажратилди, бу ўз навбатида, **33 та** олий таълим муассасасида яна **54 та** янги объектни фойдаланишга топшириш имконини беради.

Шунингдек, мазкур йиллар мобайнида бюджет маблағлари ҳисобидан **32 та** олий таълим муассасалари **31,7 млн. долларлик** хорижда ишлаб чиқарилган замонавий **28** турдаги **144 та** ўқув лаборатория тўпламлари билан ҳамда **36 та** олий таълим муассасалари **15,8 млрд. сўмлик** 5087 та компьютерлар билан жиҳозланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги талабаларни ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган барча саволларга, шу жумладан ўқиш учун тўлов шакли, талабалар ва уларнинг ота-оналари томонидан таълим олиш учун иш ҳақидан йўналтириладиган маблағларга қўлланиладиган имтиёз ва энгилликлар қўллаш тартибига тааллуқли, шунингдек таълим кредити ва бошқа саволларга ёзма шаклда ҳамда давлат интерактив хизматлари орқали жавоб беришга тайёрлигини маълум қилади.

Вазирликнинг почта манзили: Тошкент ш., 100095,

2-Чимбой кўчаси, 96-уй

Телефон: 246-01-76, 246-10-63

Электрон почта: moliya@edu.uz

Веб-сайт: www.edu.uz.

**Олий таълим муассасаларида Гуманитар фанлар, Педагогика, Техника, Қишлоқ ва сув
хўжалиги таълим йўналишлари тўлов-контракт қиймати миқдорлари**

(минг сўмда)

№	Таълим шакллари	2018/2019 ўқув йили учун	2019/2020 ўқув йили учун	Фарқи
1.	СТИПЕНДИЯЛИ ТЎЛОВ			
-	Қундузги	9 122,9	10 793,0	1 670,1
-	Хар бир семестр учун			835,0
-	Ойма-ой тўланганда			139,2
2.	СТИПЕНДИЯСИЗ ТЎЛОВ			
-	Қундузги	9 122,9	5 993,0	-3 129,9
-	Хар бир семестр учун			-1 565,0
-	Ойма-ой тўланганда			-260,8

**Кундузги таълим шакли бўйича белгиланган тўлов-контракт қиймати миқдорларини
тўлашда яратилган имконият**

(минг сўмда)

№	Таълим йўналишлари	Тўлов-контракт миқдорлари Бакалавр кундузги	
		2018/2019 ўқув йили учун	2019/2020 ўқув йили учун
1	Гуманитар фанлар, Педагогика, Техника, Қишлоқ ва сув хўжалиги	9 122,9	10 793,0
		-	5 993,0

Олий таълим муассасаларида 2019/2020 ўқув йили учун Педагогика таълим йўналиши бўйича кундузги таълим шаклида бир талабага тўғри келадиган ўқитиш қиймати миқдорлари тўғрисида маълумот

2018/2019 ўқув йили учун тўлов-контракт қиймати		2018/2019 ўқув йили учун белгиланган тўлов-контракт қиймати						2019/2020 ўқув йилида ўқитиш харажати		Тўлов-контракт қийматини ошириш ҳисобига харажатларнинг қопланаётган қисми (%)	
Энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан бараварда (202 730 сўм)	Сумма (стипендияли)	2018/2019 ўқув йилига нисбатан ўзини (%)	Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори бараварида (634 880 сўм)	Стипендиясиз сумма (400 м.сўм x 12 ой = 4 800 м.сўм)	Мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори бараварида (634 880 сўм)	Сумма (стипендияли)	Стипендиясиз сумма (400 м.сўм x 12 = 4 800 м.сўм)	Амалдагига нисбатан	Тақлиф этилаётганига нисбатан		
45,0	9 122,9	1,18	17,0	5 993,0	9,4	15 895,0	11 095,0	57,4	67,9		

(минг сўмда)

**Олий таълим муассасаларида сиртқи ва кечки таълим шакллари бўйича Гуманитар
фанлар, Педагогика, Техника, Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари
тўлов-контракт қиймати миқдорларининг камайиш**

ДИНАМИКАСИ

(минг сўмда)

№	Таълим шакллари	2018/2019 ўқув йили учун	2019/2020 ўқув йили учун	Фарқи
1	Сиртқи ва кечки	9 122,9	6 348,8	-2 774,1
2	Иккинчи мутахасислик сиртқи	9 933,8	6 983,7	-2 950,1